




Темурмалик... Бу кимдир? Билурмисиз?.. Бу бир бекбошидир, бир турк кўмондонидир.

Йил 616 хижрия эди. Чингизхон кўшинлари Коракурумдан кечиб, тўфон сели каби Туркистонни босмокда ва ёкмокда эди. Буларга кўра жуда оз бўлган турк фиркалари уларга карши тура олмай, ё баходирона талаф бўлмокда ёки чор-ночор ортга кетмокда эди. Мўгул кўшинлари икки кўл бўлиб, бири Хоразм, бошқаси Самарканд устига келмокда эди. Бу иккинчи кўл кўшиннинг Олок Нўён ила Субутўй Буга бошчилигидаги фиркалари Сирдарё нахри бўйидаги Хўжанд калъасига келиб, таслим талаб этдилар. Калъа беги Темурмалик эди. Душманга рад жавоби берди. Олтмиш минг мўгул шаҳарни камалга олди ва Темурмалик кўлида бўлган беш минг турк аскарлари билан мудофаага тутинди. Хўжанднинг уч тарафи сув билан ўралган, шу сабабли душманнинг бир қисми шаҳарнинг калъасига яқин келган холда калъани карши тарафида бўлишга мажбур эди. Темурмалик аскарнинг зиёдасини калъа муҳофазасига таъйин қилиб, жузъий аскар

билан сув устидан душманга хужум уюштирди... Бу хужум билан беш-олти юз баходирни кирк-эллик минглик душман кўшинига карши кўйди!

Замонлар ўк ва килич замони эди. Темурмалик йигирмата катта кайикясатиб, кайикларнинг четларини балчикка буланган кигизлардан инсон бўйи кадар тўсиклар килдирди. Ушбу кигизларда тухум сиггудек тешиklar колдирган эди. Хар бир кайикка йигирма—ўттиз ўкчи миндириб, нахрнинг душман бўлган киргогига якин келиб, кигиз тешиklаридан ўк ёғдирар ва душманни сув четидан кочирар, сол ё кўприк курилишига имкон бермас эди. Душман ўklари кигиздан ўтмас ва ўтган холида хам турк баходирларига зиён етказмас эди.

Шу тартибда шахарнинг уч тарафини оз аскар билан жиддий суратда мудофаа килиб, колган кисми билан ша-харнинг тупрок ва калъа жихатини мухофаза килар эди. Бу тадбирлар билан анча вакт олтиш минг мўгулни олдинга кадам бостирмади. Сув тарафидан шахарни олиш мумкин эмаслигини англаган мўгуллар бор кувватларини калъа тарафига ташладилар. Турк диловарларининг ўк ва киличидан хар канча кирилсалар-да, битмас-туганмас бўлганларидан, Хўжанднинг холи тобора огирлашмокда эди. Охири турк аскарлари шу кадар кам колдики, бошка каршилик килишга холи колмади... Таслим кунлари якинлашди. Лекин Темурмалик таслим бўладиган баходирлардан эмас эди. Жахонгир айтганидек, «Агар Рустам сог бўлса эди, шогирди бўлар эди».

Калъанинг таслим вакти келганда, Темурмалик юкори-да баён килинган усулда етмиш кадар кигизли кайиклар хозирлаб, колган аскарлари ва лозим ашёсини буларга юклаб, Сирдарё бўйлаб чекина бошлади. Бу чекиниш тарихи харбда мисли кўрилмаган бир чекинишдир. Сувнинг икки тарафидан мингларча душман от кўйиб, ёмгир каби ўк ёғдирганлари холда буларнинг юздан бирича хам бўлмаган турк диловарлари кигиз сипарлар оркасидан уларга каршилик кўрсатганча, сув оркали саломат чекинмокда эдилар. Нихоят, муносиб бир махалда киргокка чикиб, Темурмалик карши келган душман фиркасини енгиб, сог колган оркадошлари билан Хоразмга саломат келмишдир.

Ўн минг юнон аскарининг нихоясиз Эрон кўшинларининг каршисида харбан чекинишлари Марафон йўли тарихида машхурдир.

Бир ховуч ва хужумда беш-олти юзигина бўлган туркларнинг бу чекиниши янада машхур тутилмоги лозимдур.

«Таржимон» г., 1906 й., 146-сон
Исмомилбек Гаспиринский